Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг болаларга меҳрлари

12:53 / 28 февраль 2198

Питсбург университети томонидан олиб борилган тадқиқотда маълум бўлишича, болага (13 ёшгача) бақириш ва унга танбеҳ бериш боладаги ҳиссий мувозанатни бузади, тажовузкор хатти-ҳаракатларни ривожлантиради, ғазаб ва катта эҳтимол билан келажакда муваффақиятсизлик ҳиссини уйғотади.

Мутахассислар бола билан мулоқот қилиш, уни тушуниш, насиҳат қилиш ва оғзаки қўполликдан узоқ ҳолда унга ўргатиш, унинг муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилиш зарурлигини маслаҳат беришмоқда. Ахир буларнинг барчаси бундан ўн тўрт аср аввал севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биз умматларига айтган тавсиялари, қўллаган услублари эмасми?!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаламнинг ёш Ибн Аббос розияллоҳу анҳумога қилган насиҳатлари, муомалаларида меҳр ва мулойимликни кўрамиз.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Бир куни Набий алайҳиссаломнинг ортларида (мингашиб кетаётган) эдим.

Бас, у зот:
«Эй ғулом! Мен сенга калималарни ўргатаман. Аллоҳни (амрини) муҳофаза қилгин, У Зот сени муҳофаза қилади. Аллоҳни(нг амрини) муҳофаза қилгин, У Зотни рўпарангда топасан. Қачон сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Қачон кўмак истасанг, Аллоҳдан кўмак иста. Ва билки, агар бутун уммат сенга бирор нарсада манфаат бериш учун жамланса ҳам Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа манфаатни бера олмаслар. Агар уларнинг ҳаммаси сенга бирор нарсада зарар етказиш учун жамланса ҳам Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқа зарарни етказа олмаслар. Қаламлар кўтарилди ва саҳифалар қуриди», дедилар».
Термизий ривоят қилган.

Бу сўзларда бола қалбида ишонч уйғотиш орқали воқеликка қандай муносабатда бўлишни англаб етиши учун юксак меҳр, унинг идрокини кенгайтириш, унинг муаммоларини илмий йўл билан ечиш фазилатлари бор. Бу Аллоҳнинг раҳмати бўлиб, шундай меҳрибон, ҳатто болаларга ҳам меҳрини кўрсатадиган улуғ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни бизга набий, расул қилиб юборди. Хўш, эй Ғарб олимлари, бу раҳм-шафқатли таълимотларга нисбатан сизлар қандай муносабатдасизлар?!

Абдуддоим Каҳел мақоласидан Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади